



220200 Богот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «19» Март

№ 619а

Богот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Абдурахманов Ражабой Гапаровичга Богот тумани “Дехқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “Автомобиль эҳтиёт қисмлари дўкони ва асаларичилик шаҳобчаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Богот тумани “Дехқонобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Абдурахманов Ражабой Гапаровичнинг Богот тумани “Дехқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “Автомобиль эҳтиёт қисмлари дўкони ва асаларичилик шаҳобчаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўлаган 2020 йил 7 февралдаги ХО-А-412-сонли аризасини, Богот туман ҳокимининг 2018 йил 20 февралдаги № 503к-сонли қарорини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Богот туман филиалининг 2020 йил 7 февралдаги 555-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 7-моддаларига асосланиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Богот тумани “Дехқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами қурилиш ости майдони 151,29 квадрат метр, умумий ер майдони 250,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу қурилиши тугалланмаган «Автомобиль эҳтиёт қисмлари дўкони ва асаларичилик шаҳобчаси» биноси фуқаро Абдурахманов Ражабой Гапаровичга ушбу мулкни тўлиқ куриб фойдаланишга топширилмагунга қадар сотиш ёки бошқача тартибда бегоналаштирмаслик шарти билан эгалик ҳуқуқи белгилансин.

2. Фуқаро Абдурахманов Ражабой Гапарович ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Автомобиль эҳтиёт қисмлари дўкони ва асаларичилик шаҳобчаси” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими

О.Холбоев